

Истеъдодли шоир Султон Жўра адабиётимизга 50-йилларда Амин Умарий, Усмон Носир, Ойдин, Зулфия, Зафар Диёр, Куддус Мухаммадий каби адиблар билан бирга кириб келган бўгинга мансубдир. У бор-йўги ўттиз уч йил умр кўрди, шундан ўн уч йилинигина адабиётга, шеъриятга бахшида этди.

Султон Жўра 1910 йилда Бухоронинг Шоффрикон туманидаги Коголтом кишлогида дехкон оиласида дунёга келди. Уч-тўрт ёшлигидаёқ ота-онасидан жудо бўлиб, кариндош-уруглари тарбиясида бўлади. Сўнгра Шўро мактабларида бошлангич таълимни олгач, Бухоро Эрлар билим юртига ўқишга кириб, уни 1930 йилда тугатади. Мактабларда, билим юртларида, колаверса, Андижон давлат педагогика олий билимгохларида адабиётдан дарс беради.

Ижоди ҳам шу йиллардан бошланган бўлиб, унинг биринчи шеъри 1927 йилда «Мехнат кўйнида» номи билан «Янги йўл» ойномасида чоп этилади. Сўнгра, унинг «Шеърлар» (1933), «Фидокор» (1939), «Москва» (1941) каби тўпламлари, «Кулги» (1936), «Шодлигим» (1939), «Очик чехралар» (1939) каби туркум шеърлари пайдо бўлади.

Шеърлар ва тўпламларнинг номидан кўриниб турганидек, уларда шоир давр ва замон, замондошлари дарди, кувончи, шодлигидан хикоя қилади.

Султон Жўра катор лиро-эпик достонлар, эртақлар муаллифи сифатида ҳам китобхонга таниш. Унинг «Калдиргоч», «Жаннат» каби эртақ-достонларида ёш китобхоннинг романтик руҳини ифодалайди. Ундаги калдиргоч рамзий образи оркали ёшларнинг она-Ватанга садокати умумлаштирилади. Шоир «Зангори гилам» шеърий эртагида фолклор мотивларидан кенг фойдаланиш оркали ўз китобхонининг ички оламини, сир-асрорини очиб беради. «Карим ва Кундуз» поемасида бўлса мехнат ва унинг гашти, роҳати хақида сўзлайди. Шоирнинг «Бруно» достони унинг ижодида муҳим босқичдир. Унда Жордано Брунонинг ўлмас образи гавдалантирилган.

Султон Жўра болалар учун бир талай асарлар яратган. «Харфлар паради», «Тиниш белгиларининг мажлиси», «Ёлгончи», «Чўнтак», «Ой нечта», «Согинчли салом» каби асарлари болалар адабиётининг энг яхши намуналаридир.

Улуг Ватан уруши йилларида Султон Жўра ижоди янги босқичга кўтарилди. Бутун хаёти, ижодини она Ватан мустақиллигига бахшида этди. У ўзининг «Пулемотчи овози», «Тўпчи Мухаммад» «Найзамиз» ва «Чавандоз» каби катор шеърларида фашизмга лаънат ўқийди.

Шоир бу йилларда уруш мавзуида ўзининг «Ирода» драмасини ҳам яратди. Унинг уруш мавзуида яратилган асарлари орасида «Согинчли салом» шеъри алоҳида ўрин тутади. Унда ота-она, ёр ва биродар. йигит ва киз, кавм-кариндош фиругига сабаб бўлган урушга лаънатлар ёғдиради. Шоир:

Согиндим чирогим, нечора, биров —
Хар бир айриликнинг кўришмоги бор,—

дея галабага ишонч билдиради. У ана шу жангу жадалда 1943 йилнинг 10 ноябрида
кахрамонларча халок бўлади.